



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 12 декабрь, № 245 (4398)

Чоршанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 декабрь кун  
Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти  
Тан Сри Дато Сри Моҳд Ҳасан Мариканни қабул қилди

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни ишончли шерик деб билишини таъкидлади.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз ҳамкорлик изчил давом этиши ва унинг истиқболли порлоқ эканидан яна бир далолатдир, — деди Ислам Каримов.



Ўзбекистон Президентининг 2005 йил октябр ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефть-газ захираларини биргаликда ўрганишга оид битим имзоланган эди. Бу келишувлар Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуига бир неча юз миллион долларлик сармоя киритишни назарда тутди. 1974 йили ташкил этил-

ган «Петронас» трансмиллий корпорация бўлиб, ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли корпорациялар сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини кидириш, ўзлаштириш,

қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

«Петронас»нинг «Ўзбекнефтгаз» билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Кунни кеча ушбу икки компания ўртасида нефть-кимё саноати соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва ўзаро ҳамкорликка доир битимлар имзолангани аллоқлар кўлами янада кенгайишидан далолат беради.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Тан Сри Дато Сри Моҳд Ҳасан Марикан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Петронас» Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳалардаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор эканигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида «Петронас» билан биргаликда амалга оширилаётган кўшма лойиҳаларга, янги лойиҳаларни ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).  
Дилшод ЮСУПОВ  
олган сурат.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Каримов 11 декабрь кун Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловчи ўтказувчи 12-Фарғона округ сайлов комиссияси раиси Р.Тоҳиев оқди. Йилгиланлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустақамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий мухитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади. Фарғона ўзининг бетақдор табиати, бой тарихи, буюк алломалари, юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Фарғона деғанда, қадимий цивилизация ва маданиятни ўзида мужассам этган Марғилон, Қўқон, Қува сингари қадимий шаҳарлар, юртимиз шўхратини дунёга ёйган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиновий сингари буюк алломалар сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади, деди Ислам Каримов. Жорий йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йилги кенг нишонланган мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда. «Азот» акциядорлик жамияти, Фарғона фурун бирикмалари заводи, Қўқон суперфосфат заводи каби корхоналардаги технология янгилаш ва модернизациялаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Вилоятда этиштирилаётган пахта ҳосилининг 68 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга ошири-

лаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Бу халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб, пенсия таъминоти тақомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал дотомадлари мунтазам ошиб бораётганидан намоён бўлмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Марғилон шаҳар қурилиш объекти дирекцияси директори Абдуҳод Ҳусанов, республика «Хунарманд» уюшмаси Риштон ҳудудий бўлими аъзоси Йўлдошлар Полванов, Тошкент Тиббиёт академияси Фарғона филиали ўқитувчиси Наталья Мартиненко, Фарғона давлат политехника институти талабаси Гулбахор Асқарова, Қўқон шаҳар «Мулоқот» телестудияси раҳбари Бурҳон Шерматов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимизни ҳимоя қилиш, миллий тарбиявий қўлағи қўли бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий тарбиявий қўлағи қўли бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий тарбиявий қўлағи қўли бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби муҳим ишларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь кун бўладиган Президент сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

В. ЛУҚМОНОВ,  
М. СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 11 декабрь кун Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

## АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловчи ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қурбонқул оқди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С. Аъзамов йилгиланларни номзоднинг таржимаи холи ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эътибор ва ғамхўрлик устуворлик касб этмоқда. Пенсия таъминоти тизими тақомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д. Тошмухамедова нутқ сўзлади.

Х. САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмухамедова 11 декабрь кун Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

## ДИЛОРОМ ТОШМУХАМЕДОВАНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловчи ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А. Аҳмедов оқди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Собир Раҳимов тумани маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари Ф. Пармонова йилгиланларни номзоднинг таржимаи холи ва дастури билан таништирди.

Дастурда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мақеи тобора мустақамланмоқда, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д. Тошмухамедова нутқ сўзлади.

Тошкент кимё технологиялари институтининг биринчи проректори Махфуза Қорқужаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Феруза Акрамова, «Қорёғди» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Миржамшид Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар ва сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь кун бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига фаол иштирок этишга чақирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловчи қўлпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик таълимнинг амал қилинаётгани, миллий сайлов тизимларимиз халқор нормаларга тўла мос келишининг ёрқин далилидир.

Н. УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси МДХ Ижрой қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган вакиллари гуруҳи билан учрашув бўлиб ўтди. Гуруҳга МДХ Ижрой қўмитаси Кузатувчи миссияси штаби раҳбари, Ҳамдўстлик мамлакатлари Ижрой қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулбек Абдусаломов МДХ Ижрой қўмитаси вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига кампаниясининг бориши, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти, Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, уларнинг сайловолди таш-

виқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда МДХ Ижрой қўмитаси Кузатувчи миссияси штаби раҳбари В.Гаркун МДХ Ижрой қўмитаси экспертлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тўғрисида»ги Қонунни диққат билан ўрганиб чиқиб, ушбу қонун халқаро стандартларга тўла

мос келиши хусусида қатъий хулосага келганини таъкидлади.

Ўзбекистонда кузатувчиларнинг Президент сайлови жараёнини кузатиб бориши учун барча зарур шароитлар яратилгани қайд этилди. Ўзбекистонга Ҳамдўстлик мамлакатларидан жами 80 нафардан ортиқ кузатувчи, шу жумладан, 5 та Марказий сайлов комиссиясининг раислари ташрифи Тошкентда ўз иштини бир неча кундан сўнг бошлади. Шунингдек, бошқа ҳудудларда — Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада ҳам уларнинг бўлимлари фаолият кўрсатиши мўлжалланмоқда. МДХ Ижрой қўмитасининг Кузатувчи миссияси ўз фаолиятини ушбу соҳадаги халқаро стандартлар асосида амалга оширади. Олиб бориладиган ишлар яқини бўйича хулосалар сайловнинг эртаси кун бўлиб ўтадиган матбуот анжуманида эълон қилинади.

(ЎЗА).  
Дилшод ЮСУПОВ  
олган сурат.

Марказий сайлов комиссиясида, шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси раҳбари, элчи Вальтер Зигель билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси вакилига миллий сайлов қўлағи қўлининг сайловчилар ҳуқуқларини таъминлаш, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқи домини оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратишга қаратилган айрим жиҳатлари ҳақида ҳам маълум қилинди. ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Кузатувчи миссияси таркибида жами 24 нафар кузатувчи иштирок этди.

Яқин кунларда бошқа халқаро ташкилотлар ва давлатлардан ҳам кузатувчилар келиши кутилмоқда.

(ЎЗА).

Истиқлол йилларида қўлағи қўли тарбиялаш борасида мамлакатимизда қатта ишлар амалга оширилди. Имони бутун, эътиқоди собик, ватанпарвар, чинакам зёли, маърифатли ёшларни вояга етказиш давлатимизнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам диққат марказидаги долзарб масалага айланган.

## КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, белгиланган дастурларнинг ижросини, дастлабки меваларини қўриб туриб, нафақат марказда, балки вилоятларда, юртимизнинг энг чека ҳудудларида қўрилган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, уларда ёшларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши учун яратилаётган шароитлар ва имкониятлар фикримизнинг далилидир.

Президентимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши келгуси йилда бу борадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилишидан далолат бериб турибди. Табиийки, «Ёшлар йили» дастурини ишлаб чиқишда фарзандларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани мустақамлашга, амалдаги қонун ҳужжатларини бугуннинг талаблари асосида қайта қўриб чиқишга эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир боланинг истеъдодини, қобилиятини ўз вақтида пайқаш, уларни қўллаб-қувватлаш, рўёбга чиқариш, иқтидорли болаларнинг ўзларини намоён этишлари учун имкон яратиш, ғамхўрлик кўрсатиш нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг бурчиға айланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини мустақиллик туғайли бошланган янги давр ўзининг бетақдор кадрларини ва аъёнларини ҳам вужудга келтирди. Жумладан, 1997 йилдан буён ҳар бир янги йил, Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва тақдирларига биноан, ўзида олижаноб мақсад ва муддаоларни мужассам этган бирон ном билан атаб келинмоқда. Шу мақсадда махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, уларни амалга ошириш учун давлат ва нодавлат йўли билан миллиард-миллиардлаб маблағ ва меҳнат сарфланапти... Бу — янги ҳаёт бағрида шаклланган эзгу бир аъёндир.

Ҳўш, бу тадбир, бу амалиёт замирида намои бор? Бундай улкан миқёсдаги сай-амаллардан асосий мақсад, Юрт-б-о-ш-и-м-и-з Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 15 йиллиги муносабати билан шу йилнинг 7 декабрида пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали йиғилишда маърузасида алоҳида таъкидлаб айтганларидек, юртимиз эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатиъан ҳаёт билан давом эттиришдир.

Агар биз 1997 йилдан буён ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз фуқаролари манфаатлари ва оруз-интилишларини юзага чиқариш, халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмадан эркин ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган улкан меҳнат ва ҳаражатлар ҳамда уларнинг манбаида эришилган марра ва ютуқларни ҳаёт кўзгусида жонланган давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари нақадар ҳаётий эканлигини равшан тасаввур эта оламиз.

Биргина «Ижтимоий ҳимоя йили» деган гойтада эзгу ном остида яқунланаётган жорий — 2007 йилимизнинг умумий сарҳисоби устида бир ўйлаб кўрайлик. Бу йил ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар дав-

латимиз бюджетининг умумий ҳаражатларига нисбатан 53,8 фоизини ташкил этмоқда. Эътибор қилинг: давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларининг яримдан кўпроги ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилган! Ҳеч бир давлат, ҳатто ривожланган, энг қудратли, энг бой давлатлар ҳам ўз давлат бюджети рамамадида инсон манфаатлари учун бу қадар улкан маблағни раво кўраётгани йўқ.

Энг муҳими, Президентимиз ва давлатимиз ғамхўрлигидан бу йилда муҳтарам ва муҳтарам қарияларимиз қалбида уйғонган шукроналик, биринчи синфга бориб, 12 хил ўқув кўроллари, дарсликлар жойлаштирилган қиройли мактаб сумкаларини Президент боболарининг соғвалари сифатида қабул қилиб олган болаларнинг ва қизалоқларнинг кўзларидидаги қувонч, эътибор ва ғамхўрлик муҳитида яшаётган ногиронлар кўнглидаги миннатдорлик, ойлик машоалари ошиб ва бошқа хил рағбат-маддадларга муссар бўлаётган ижтимоий хизмат соҳаси ходимларининг ҳаётдаги ўз вазифаларини ва бурчларининг қадру қимматини ҳамда муҳимлигини янада теярроқ англаб етганлиги «Ижтимоий ҳимоя йили» самараларининг айрим қирраларидир.

(Давоми 2-бетда).

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизда олиб борилаётган ислохотлар йўлини ёритиб, демократик қадриятларга асосланган мустақкам фуқаролик жамияти қуришда асосий таянч вазифасини ўтамоқда. Мана, неча йилдирки, Конституция давлат суверенитети ҳамда халқнинг эркинлигини намойён этиб келмоқда. Халқнинг эркинлиги — унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш имконига эга эканлигида ҳам кўринади. Бу имконият умумхалқ сайловларида иштирок этиш орқали амалга оширилади. Зеро, сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда сиёсий, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

нинг кафолатлари тўғрисида" — ги қонунлар кирди. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг сайлов ҳуқуқларини кафолатлайди. Ягона истисно шундан иборатки, суд томонидан муамлага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд

тон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, бевосита сайловга камидан 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоллигига сайланаётганларга нисбатан эса сайлов куни йигирма беш ёшга тўлгани ҳамда камидан беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган бўлиши шарт. Бу талаблар биринчи навбатда ҳам сайловчи, ҳам сайланувчилар ёшига нисбатан қўйилган. Масалан, Конституциянинг 117-моддасига биноан, сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари эгадирлар.

# САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Сайлов — демократиянинг ёрқин кўзгусидир. Демократик давлатда сайловлар давлат ҳокимиятини ташкил қилишда асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир давлатда турли хил фикрлар ва хоҳишлар, эҳтиёж ва талаблар мавжуд. Сайловлар эса инсонларнинг шу ижтимоий кайфиятининг ифода этилишини таъминлаб беради. Шундай экан, сайлов тизимининг Конституция даражасида тартибга солиниши бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа масалалар билан бир қаторда, сайлов тизимининг ҳам мустақкам конституциявий ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби сайлов тизимига бағишланган. Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органлариغا сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, сайлов тизими фуқароларга нафақат сайлаш, балки сайланиш орқали давлат ҳокимияти вакиллик органини ташкил қилишда иштирок этиш имконини беради. Айтиб ўтиш жоизки, сайланиш ҳуқуқи сайлаш ҳуқуқини чеклаб қўймайди. Шунингдек, 117-моддага

қўра, ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овозларнинг тенглиги қондаси ҳар бир сайловчи бир марта овоз беришини аниқлаб беради. Сайловлар тенглик билан бир қаторда, умумий ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш йўли билан ўтказилади. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг сайловчилар томонидан бевосита, тўғридан-тўғри сайланиши тушунилади. Чет мамлакатлар сайлов тизимида шундай ҳолатлар ҳам борки, сайловчилар ўз вакиллари сайлайдилар, бу вакиллар эса президентни ёки депутатларни сайлайдилар. Бу ҳолда сайловлар бевосита

ришининг олдини олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўра, сайлов ҳуқуқини амалга оширишда мундтавлар бўйича талаблар ҳам мавжуд. Бу талаблар биринчи навбатда ҳам сайловчи, ҳам сайланувчилар ёшига нисбатан қўйилган. Масалан, Конституциянинг 117-моддасига биноан, сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайланиш ҳуқуқи бўйича мундтавларга оид талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоллигига сайланаётган шахсларга нисбатан ҳам белгиланган. Унга қўра, Ўзбеки-

### Яхши хабарлар

#### Янгилаётган «Муштарий»

АҚШнинг «Импро Инвест ЛЛС» компанияси Намангандаги «Муштарий» акциядорлик жамиятига 150 миң доллар миқдорда дастлабки сармояни киритди. Мазкур маблагъ эвазига корхонанинг 5-цехини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. «MUSH-TARIY INTERNATIONAL LTD» қўшма корхонасига хорижий шериклар томонидан жами 500 миң доллар сармоа киритилди ва замонавий тикувчилик технологияси ўрнатилди. Келгуси йилнинг иккинчи чорағида тўла ишга тушириладиган корхонада йилга 1 миллиард 250 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Асосан эркаклар кўйлаги тикиладиган шехларда 200 нафар чевар учун меҳнат ўрни яратилди.

#### Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Туманда бешикчи коллеж

Янгиариқ туманидаги Таган қишлоғида маиший хизмат касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда. 585 ўринга мўлжалланган ўқув даргоҳининг тендер баҳоси 1 млд. 877 млн. 437 миң сўмни ташкил этади.

Таълим қоснасини мустақкам ва сифатли қилиб қуриш масъулиятини тумандаги «Фишт» таълим маркази таъминлаш мақсади билан қилиб берилади. Янги ўқув йилида талабаларни ўз бағрига оладиган ўқув муассасаси тумандаги бешикчи йили масканидир.

#### Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Урғумчидан — Уламжига

«Буюқ Турон чинор» қурилиш-таъмирлаш корхонаси Ялғабой туманидаги Уламжи қишлоғида гишт заводи қурилишини бошлади.

Унда Хитой Халқ Республикасининг «Баошэнь» компаниясида ишлаб-чиқаришган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Соатига 9 миңгагача гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу сервум технологик линия тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Янги корхонанинг ташкил топишда Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси вилоят бошқармасининг Урғумчи шаҳридаги ваколатхонаси ходимларининг хизмати катта бўлди. Улар хитойлик ҳамкорларни топиш, ўзаро манфаатли шартномани имзолаш ва жиҳозларни етказиб беришда яқиндан ёрдам бердилар. Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТАЪМИНОТДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Пойтахтимизда қиш мавсумига пухта тайёргарлик билан киришилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган махсус гуруҳ томонидан 2006 йилнинг қиш ойларида юз берган нохуш ҳолатлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ режалар белгиланди.



Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 июлдаги «Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой, коммунал шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бу борадаги муаммо ва камчиликларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

### Қарор ва ижро

Таъкидлаш жоизки, аниқланган камчиликлар орасида Бектемир туманидаги «Бинокор» мавзесини табиий газ билан таъминлаш масаласи ҳам бор эди. Чунки ушбу аҳоли пункти Юқоричирчиқ тумани ҳудудидидаги d-219 мм босимли газ қувурининг охириги нуқтаида жойлашганлиги сабабли таъминотда узилтирилган содир бўлар, пировадидида истеъмолчиларда эътироз тугиларди.

Ана шу ҳолатни бартараф этиш мақсадида «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» филиали томонидан Чирчиқ дарёси орқали узунлиги 1200 погонметр, диаметри 159 мм бўлган ўрта босимли газ қувури тортилди. Натияжада, мингта яқин хонадон, «Агрокерамика», «Fulong industrial» қўшма корхоналари, Асфальт-бетон заводи ва бошқа объектлар узлуksиз табиий газ билан таъминланди.

### Сандолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Бектемир туман газ таъминоти бўлими бош муҳандиси Мирзохид Мирхалилов иш устида; янги газ қувури. Темур ҚУРБОНБОВ оingan суратлар.

## Танишинг: «Йил аёли» миллий танлови ғолибаси МЕҲНАТКАШ, МЕҲРИБОН, МУНИСА

Мамлакатимизда истиқлол туфайли фаол ва тадбиркор аёлларимизни бирлаштирувчи кўплаб нодавлат ташкилотлари ташкил этилди. Яқинда ана шундай ташкилотлардан бири — республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган «Йил аёли» биринчи миллий танлови аниқланди. Унда самарқандлик гиламдўз Дилдорахон Нисёзова биринчи ўринга сазовор бўлди.

Дилдорахон икки нафар фарзанднинг онаси. Самарқанд давлат чет тиллар институтини битирган. Айни пайтда магистратурада таҳсил олиш билан бирга, меҳнат фаолиятини «Самарқанд-Бухоро ипак гилами» Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхонасида давом эттирипти. Шердор мадрасасидаги гилам тўкиш устанонасида ёшларга касб сирларини ўргатмоқда.

### Анжуман

Танлов шартларида — аёлнинг бой тафаккури, бағрикенглик ва зуққолиги, меҳнатда эришаётган ютуқлари, дунёқараши, оилавий аъёналарга муносабати, уй-рўзгор юмушларига ёндашуви, санъатга қизиқиши каби қобилиятлари ва эътибор қаратилганди. Бундай фазилатларнинг ҳаммасига муносабатда бўлишга мажбурдилар» дейилган. Қолаверса, мустақиллик йилларида бу борада бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида атроф-

дан бўш пайтларимда кичик-кичик гиламчалар тўкишга уринардим. Институтда ўқиган кезларимда ҳам гиламдўзликдан, бир зум бўлса-да, узоқлашмадим. Бугун эса бу касб ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган қолди. Танловимизда «Йил аёли» республика танловида иштирок этган ишбилармон, тадбиркор ва соҳаватли инсонлар қатори хунарманд хотин-қизлар кўп. Бугунгидек танловлар эса улар истеъдодининг кашф этилишида, аёлларимизнинг янада фаолроқ бўлишларида муҳим аҳамиятга эга.

### Абдурашул САТТОВРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бундай фазилатларнинг ҳаммасига муносабатда бўлишга мажбурдилар» дейилган. Қолаверса, мустақиллик йилларида бу борада бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида атроф-

дан бўш пайтларимда кичик-кичик гиламчалар тўкишга уринардим. Институтда ўқиган кезларимда ҳам гиламдўзликдан, бир зум бўлса-да, узоқлашмадим. Бугун эса бу касб ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган қолди. Танловимизда «Йил аёли» республика танловида иштирок этган ишбилармон, тадбиркор ва соҳаватли инсонлар қатори хунарманд хотин-қизлар кўп. Бугунгидек танловлар эса улар истеъдодининг кашф этилишида, аёлларимизнинг янада фаолроқ бўлишларида муҳим аҳамиятга эга.

### «Фотон»нинг фаройиб қурилмалари

Тошкент вилоятининг доимий ёт қисмлар ишлаб чиқаришга кириш-электр энергияси етказиб бериш му-ди. Улар чўпон-чўликлар мушуқлини раққаб бўлган ҳудудларга тақдирини, геология-кидирув ва бунёдкорлик ишлари билан банд идораларнинг чекка ва овлоқ жойлардаги муҳим иншоотларини электрлаштиришда қўл келмоқда. Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар бир миллат ўз бағрида ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида аслий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюқ кучни қўради. Биз ҳам ёшларимизга ана шундай умид ва ишонч кўзлари билан қараймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 миң нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 миң нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади. Бундай катта ва гуллаб-яшнаб турган кучга эга бўлиш — мамлакатнинг бахти ва имкониятидир. Энди бу кучни, чиндан ҳам, мамлакатнинг бахти ва имкониятига айлантириш учун эса, шунга қаратилган сиёсат, ёшларга ғамхўрлик ва эътибор талаб қилинади. Мамнуният билан айталикки, бу масала мамлакатимизда доимо шахсан Президентимиз эътиборида, давлатимиз сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бунинг энг сўнгги, эзуғу бир далили шуки, «Ижтимоий химоя йили»да ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, аввало, уй-жой сотиб олиш, иморат қуриш, рўзгорини бутлашга қўмақлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. 2008 йилда эса ёшларимизнинг ҳаётида шу кунгача ечилмаган муаммоларни ҳал этишга янада катта эътибор қаратилади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган 2008 йил — «Ёшлар йили»да ҳам ёш авлодга ғамхўрлик ва эътиборнинг ҳуқуқий базаси янада мустақкамланади, таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, ёшларнинг иқтидорини, салоҳиятини ҳар томонлама барқ урдиб ривожлантириш, уларни иш билан таъминлаш, мундтали ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшларга алоҳида эътибор кўрсатиш, ёш оилаларни янада мустақкамлаш ва равақ топтириш ҳамда бошқа шу каби муҳим йўналишларда тубли ўзгаришлар қилинади.

Ёшларни биз келажакимиз, таянчимиз деймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаб ўтганларидек, бу келажак омиллари, ёшларимизга бугуннинг ўзида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Улар нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Яъни эртанги кун кутганимиздек бўлиши учун бугуннинг ўзида ёшлар тарбияси, уларнинг манфаати долзарб аҳамиятга эришилганлиги тўла ва жиҳдий идрок этишимиз зарур. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги айнан шу маънода алоҳида диққатга сазовордир.

Инсон яхши ният-муддаолар билан яшаса, Яратган унинг йўлини ёруғ қилади, ишларининг эса ривожини беради, албатта. Айниқса, бутун давлат, жамият умумий олий мақсад ва орзу-ниятлар билан яшаса, энди бунинг хосияти янада улурроқдир.

Астойдил, сидқидилдан, яхши ниятлар билан кутиб олаётганимиз 2008 йил — «Ёшлар йили» ҳам ўзининг улкан нёъматларини албатта беради. Бу йил ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва бахт-саодатини таъминлашда бетакорор хайрли бир босқичга айланади. Ёшларимиз бахтининг зиёда бўлиши — халқимизнинг бахтидир.

## КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган қатор ибратли танловлар, куриқлар ўтказилмоқда ва бу тадбирлар кўплаб нобъ иқтидорли, талантли ёшларни кашф этмоқда.

Масалан, Зулфия ва «Нихол» муқофотлари танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» куриқ-танловлари ҳар йили минглаб қобилиятли ёшларни эл назарига тушираётганлиги қувончидир. Биргина Сирдарё вилоятида Зулфия номидаги Давлат муқофоти га сазовор бўлган 8 нафар қизимиз бор. Шунингдек, бадий ижод, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, ахборот коммуникация технологиялари бўйича «Келажак овози» куриқ-танлови республика босқичида ҳам 8 нафар йигит-қизимиз ғолиб бўлган. Гулистон давлат университети талабалари орасида 4 нафар «Меҳр нури» иқтидорли талабалар стипендианти, 2 нафар Улғубек номидаги Давлат стипендианти бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида давлатимиз раҳбари шундай деб таъкидлади: «Фарзандларимиз, ёшларимиз нафақат бизнинг ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». Бу сўзларнинг замирида чўқур маъно ва моҳият ётибди. Дарҳақиқат, фарзанд оиланинг умид чироғи, суянган тоғидир. Ёшлар Ватанининг, жамиятнинг умид тимсолларидир. Маърифатли юрtdа чинакам маърифатли авлод камол топади, бағри бутун оилада имони бутун фарзанд вояга етади.

«Ёшлар йили» Дастурини яратиш ва амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув органларининг, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотлари, бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини фарзандларимизни касб-корли қилиш, касб-хунар коллежларини битириб чиқаришга қаратилган бўлиши билан мунтазам шуғулланишларига жаб этиш лозим. Бу ҳукуматимиз томонидан бизга, айниқса, ёшларга қўрсатилаётган ғамхўрликка амалий жавоб ҳам бўлади.

Меҳнат инсонни қинойат қилишдан, турли иллатларга бериладиган, зарарли оқимлар таъсириндан асрайдиган муҳим омилдир. Инсондаги энг юксак фазилатларнинг ҳар халол меҳнат шакллантиради. Маънавияти юксак миллатнинг фарзандлари юксак эътиқоди, қомил инсонлар бўлиб камол топади. Зотан, жамиятимизнинг улуг мақсади ҳам — шу.

### Хайтхон ОРТИҚБОВЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЖАҲОН 24 соат ичида Поездлар қатнови бошланди

Кеча эрталаб Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида мунтазам юк поездлари қатнови бошланди.

Бунга икки корейс давлатлари раҳбарларининг шу йил 2-4 октябрь кунлари бўлиб ўтган учрашувида келишилган эди.

Ушба келишувга биноан, энди ҳафтасига беш марта икки мамлакат ўртасида юк поездлари қатнай бошлайди. Улар ҳар ойда 12 минг тонна юк ташийди. Ҳозирча поездлар КХДРнинг Кейсон шаҳрига келади. Кейинроқ эса Пхеньянга қатнов йўлга қўйилади.

ХВЖнинг рақиби



Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Парагвай, Эквадор ва Уругвай давлатлари раҳбарлари биргаликда Banco del Sur (Bank of South) молия ташкилоти тузиш тўғрисидаги меморандумни имзоладилар. Халқаро валюта жамғармасига ўшаб кетадиган бу банк ушбу давлатлар иқтисодиётини маблағ билан таъминлаш лозим.

«Reuters» хабарига айтилишича, банк активлари 7 миллиард долларни ташкил этади. Бу маблағнинг асосий қисми Бразилия ва Венесуэлага тегишли.

Медведев — президентликка номзод

«Единая Россия», «Справедливая Россия», «Аграр» ва «Гражданская сила» партиялари Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни мамлакат президентлигига номзод сифатида кўрсатдилар. Россиянинг амалдаги Президенти В. Путин «Интерфакс» мухбири саволига жавоб берар экан, Медведев номзодини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Дмитрий Медведев 1965 йили Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да туғилган. Маълумоти бўйича ҳуқуқшунос.

Икки миллиард долларлик шартнома

Эрон ҳукумати Хитойнинг Sinopet нефть компанияси билан икки миллиард долларлик шартнома имзолади.

Расмий Техрон Фарб давлатлари билан алоқалари ёмонлашган, Осиёдан шериклар излай бошлады. Юқоридаги шартнома шу йўлдаги дастлабки қадамдир. Эрон ОПЕКА аъзо давлатлар ўртасида нефть экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Эронда нефть казиб олишнинг камайиши жаҳон энергия бозорига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ечимини топмаётган инқироз

Бельгия қироли Альберт кеча лавозимдан кетаётган бош вазир Ги Верхофстадта муваққат ҳукумат тузишни топширди. «АФР» хабарига таъкидланганича, бу ҳукумат ҳозирги кечиктириб бўлмас ишлар билан шуғулланиши керак. Қирол, шунингдек, Верхофстадтнинг тезда сиёсий партиялар билан музокаралар бошлашга чакирди.

Шу йил 10 июнь кунини бўлиб ўтган парламент сайловидан сўнг валлон ва фламанд партиялари ўртасидаги келишмовчилик туфайли Бельгияда ҳукумат инқирози бошланган эди. У бугунги кунгача ўз ечимини топгани йўқ.

Денгиздаги ҳалокат

Фар йўловчи бўлган. Туркия қирғоқ бўйинлари кўмондонлиги вакилининг таъкидлашича, 6 нафар йўловчи куқариб олинган, 43 нафар йўловчининг жасади топилган. Қолганларнинг тақдирини ҳозирча номаълум бўлиб турибди. Хабарларда таъкидланганича, йўловчилар фаластинлик, ироқлик ва сомалилик бўлишган.

Эгиз денгизда бортида муҳожирлар бўлган кичик кема ҳалокатга учради. «Associated Press» хабарига қараганда, узунлиги 15 метрлик мазкур кемада 85 нафар йўловчи бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Узлуқсиз таълим мамлакатимиз кадрлар тайёрлаш тизимининг асосини ташкил этади. У ўзига хос миллий модель сифатида жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий тараққиётига хизмат қиладиган ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсини шакллантириш ҳамда юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим, айниқса, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таркибий жиҳатдан қайта қурилди. Таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги илгор тажрибалари ва ривожланиш аъёналарини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари яратилди ва амалиётга жорий этилди. Таълим тизимини янги авлод ўқув адабиётлари, молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизми яратилди.

ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Айни пайтда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимда тўпланган илгор тажрибаларни касб-хунар таълими тизимига жорий этиш мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишнинг асосий омилларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу борада Фарғона Давлат университетининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан кенг қамровли ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Дастурга мувофиқ бир қатор йўналишлар бўйича ижобий ишлар амалга оширилди. Аввало, университет илмий кенгаши таркибига 7 нафар, факультетлар кенгаши таркибига 24 нафар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари киритилди. Бу эса узлуқсиз таълим тизимидagi мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратди.



Айни пайтда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш...

Урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада университетда кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда. Асосий эътибор ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини етук малакали илмий-педагогик кадрлар билан таъминлашга қаратилиб, сўнгги 2 йилда Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 3 нафар мутахассис-педагоглари университет профессору-ўқитувчилари раҳбарлигида ўз номзодлик диссертацияларини яқунлаб, ҳимоя этиш арафасида турган бўлса, 10 нафардан зиёди илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Хозир Фарғона вилоятининг 32 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида университет кафедралари филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур кафедра филиаллари ўқув жараёнини ташкил этиш, маърифий ҳужжатлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш борасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, педагогика, маданият, ўзбек тилишунослиги, физика, иқтисодиёт кафедраларининг Марйилон педагогика коллежи, Фарғона санъат коллежи, Қувасой иқтисодиёт коллежи, университет қошиқдаги 3-сонли, шунингдек, Фарғона ва Оқунбобоев академик лицейлари ҳамда Марйилон академик лицейи билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий тадқиқот ва маънавий-маърифий соҳадаги ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хозир вилоятда 93 та касб-хунар коллежи ва 8 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда, бу йил яна 10 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва 2 та академик лицей қурилиш тугатилиб, 2007-2008 ўқув йилидан фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Уларнинг 30 га яқини хорижий давлатлар ва банклар томонидан республикамизда касб-хунар таълимининг ривожлантириш мақсадида ажратилган грантлар асосида замонавий ўқув-техника воситалари ва дастгоҳлар билан жиҳозланди. Осиё Тараққиёт банки, Япония ва Корея давлатлари грантлари асосида вилоятдаги 24 та касб-хунар коллежида ҳам қайта қуриш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнига кириб келаётган ташига замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини тўла эгаллаш, бу борада хорижий илмий марказларда малака оширган етакчи профессор-ўқитувчиларнинг жалб этилиши ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда бундай ёндашув бевосита узлуқсиз таълим тизимида ўқитиладиган фанларнинг мазмунан узвийлиги ва изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сўнгги 3 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун 10 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилиб, ўқув жараёнида фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, бир неча ўқув адабиётлари Осиё Тараққиёт банки грантлари таловида голиб деб топилди ва нашр этилмоқда.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича фанларнинг ўқув адабиётлари, услубий қўлланма ва кўрсатмалар, виртуал лаборатория стендлари, электрон ишланмалар билан таъминланганлиги мониторинги юритилган, мониторинг натижалари асосида ўқув адабиётлари ва ўқув ишланмаларни касб-хунар таълими мутахассислари билан ҳам-

замонавий компьютерлашган тахриба жиҳозлари ва ускуналаридан эркин фойдаланиш кўникмаларини ўқувчиларда шакллантириш масаласи ўзига хос мурраккабликларга эга. Бу эса, ўз навбатида, уларга замонавий ахборот, ахборотни қайта ишлаш ва бошқарув тизимлари тўғрисида назарий ва амалий кўникмаларни ўргатиб боришни тақозо этади. Бу ўринда интерфаол электрон ўқув ишланмалар, жумладан, виртуал лаборатория ва устахона стендлари алоҳида аҳамият касб этади.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари яра-

корликда яратиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган ва кенг қўламда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, олий ўқув юрти ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс фонди ва ўқув лаборатория базасидан ҳамкорликда фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу эса таълим тизимида узлуқсизлиқни таъминлаш, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд моддий-техник база ва замонавий ўқув лабораторияларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Коллежаларнинг янги тайинланган директорлари учун ташкил этилган семинар-тренингларда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни яратиш, улардан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 3 йилда мазкур факультетда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 749 нафар педагог ходимлари 9 та йўналиш бўйича ўз малакаларини оширдилар.

Шунингдек, университет тил ўрганиш марказида Фарғона шаҳридаги академик лицей ўқувчилари учун чет тилларни ўргатиш бўйича бепул ўқув курслари ташкил этилган. Университет кафедраларининг филиаллари фаолият кўрсатаётган 32 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида профессор-ўқитувчиларимиз раҳбарлигида фан тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Натижада узлуқсиз таълим тизимининг дастлабки босқичида танаб олган иқтидорли ёшлар орасидан кейинчалик қўллаб-қувватлаш дастурлари соҳиблари, ўз илмий йўналишини танлай олган магистрантлар ва аспирантлар етишиб чиқмоқда. Жумладан, биргина университетнинг иқтисодиёт йўналиши 3-курс талабаси — Зулфия номидаги давлат мукофоти совридор Д.Исмоилова, Улугбек номидаги Давлат stipendиялари кимё йўналиши битирувчиси М.Юнусов, экология ва табиатдан фойдаланиш йўналиши битирувчиси А.Маҳмудовлар олий университетнинг бакалавриятини муваффақиятли яқунлаб, соҳа йўналишлари бўйича имтиёзли равишда магистрантлар сафига қабул қилиндилар.

Кадрлар тайёрлаш тизимида «шахс», «давлат ва жамият», «узлуқсиз таълим», «фан», «ишлаб чиқариш»нинг ўзаро бир-бирини тўлдириб бориши, таълим ва тарбия соҳасида ўзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият юритиши ҳозирги кунга келиб, шахс камолоти ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурда белгиланганидек, тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш асосида мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давр талабидир. Пировардида узлуқсиз таълим муассасалари билан идоравий тасарруфи ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ишлаб чиқариш корхоналари муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳам хизмат қиладди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Жараён Фермерларга имтиёзли кредитлар

Андихонда экин экиладиган ерлар тўла фермерлар тасарруфига ўтган, қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар юз берди.

Табиийки, бу муваффақиятда молия ташкилотларининг ёрдами катта бўлмоқда. Чунки, бу йил банклар томонидан вилоят фермерларига пахта ҳосили учун 58 миллиард 290 миллион сўм, галла етиштириш учун салкам 11 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Андихонда айни кунларда аҳолига маиший хизмат доирасини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларининг 137 та мини шохбачаси фаолият кўрсатаётир.

О. ШОДМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

INTER-PRESS-2008 БИЗНЕС-НОНУШТА ШАНБАГА ТАЙИНЛАДИ

Тонг. Офис. Қўнғирок чалинди. Амалий тусдаги даврий нашр. Котировкалар, курслар, тамойиллар, энг охириги янгиликлар, таҳлил. Махсулот етказиб берувчиларга қўнғирок қилиш. Охириги туркум нархини тушириш, янгиликларни ҳозирча ушлаб туриш. Ҳамкорлар билан учрашув тайинлаш — стратегияни муҳокама қилиб, база бўйича маълумотларни текшириш. Энг асосий нарсани ёддан чиқармаслик. Ха-я! «ИНТЕР-ПОЧТА» курьерлик хизмати олти кунлик иш ҳафтасига ўтди. Энди нашрлар шанба кунлари ҳам етказиб берилади. Демак — шанба кунини эрталабдан — почта, соат 11.00 да — Инкондада бизнес-нонуста, сўнгра — барча жорий лойиҳалар бўйича ҳисобот тингланадиган мажлис, кейинги кун консултинг фирмаси билан боғланмиш. Яна янги махсулот бўйича с е м п л и н г л а р г а тайёргарликни текшириш. Минтақавий менежерларни чақирдириш ҳам унутмаслик. Янги транспорт чизмаси қай ахволдалигини текшириш.

Р.С. Соғлиқни сақлаш вазирлиги оқолантиради: кўп ишлаш — зарарли. Агар курьер бугун Қўнғирок қилмаган бўлса, демак, бугун — ЯҚШАНБА. «ИНТЕР-ПОЧТА» томонидан исботланган.

INTER-PRESS КОРПОРАТИВ ОБУНА

100011, Ўзбекистон, Тошкент, Назойиқ кў., 13  
Тел./факс: (998 97) 119 00 00, 144 22 21  
Тел.: (998 97) 119 02 83, 103 00 95  
E-mail: book@interpress.uz  
www.interpress.uz

Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!  
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ  
2008 йил учун ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома жадвалларини тузди.  
Шартнома жадвалларини тузиш муддати — 2008 йил 1 февралгача.  
Маълумот учун телефонлар: 150-26-03, 150-26-02, факс: 150-26-15.  
e-mail: metrolog@sarkor.uz.

«ФАРҒОНА СУНЬИЙ ЧАРМ ЗАВОДИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 6 декабрдаги 15-0501/12847-сонли ҳал қилув қарорига асосан БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.  
Шу муносабат билан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 127-моддасига мувофиқ «Фарғона суньий чарм заводи» ОТАЖга нисбатан даъво ва аризалар икки ой ичида қабул қилинади.  
Манзил: Фарғона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 3-уй.  
Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 6 декабрдаги 15-0501/12847-сонли қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб биринчи тоифали суд бошқарувчиси Қазимов Бахтиёр Солиевич тайинланди.

Магазин-салон «УМНЫЙ ДОМ»  
www.setko.uz  
Мини-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа (под заказ)  
Тел.: 138-99-99, 137-29-88.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона  
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ  
2007 йил 28 декабрь кунини соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қайтадан қўймоқда:  
\* Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 29 декабрдаги 10-0518/11362-сонли, 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0410/11289-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги 10-0518/3643-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Toshmuhandisinhootqirillish» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Строитель кўчаси, 40-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 494 881 305 сўм.  
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 8 августдаги, 2007 йил 25 майдаги, 2007 йил 17 сентябрдаги, 2007 йил 26 сентябрдаги ижро ҳужжатларига асосан (ажрим 10-0510/3659) тақдим этилган «Урта Осиё Транс Шарк» ШКга тегишли ҳамда Тошкент вилояти, Қийраб тумани, Проектная кўчаси, Г-15 манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини қайтадан савдога қўймоқда:  
\* Давлат рақами 10А0953 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоэ). Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.  
\* Давлат рақами 10АХ029 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоэ). Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.  
\* Давлат рақами 10АН152 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоэ). Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.  
\* Давлат рақами 10АХ030 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоэ). Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.  
\* Давлат рақами 10А0892 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоэ). Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.  
Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоринда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.  
Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хужаев кўчаси, 1-уй.  
Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Drive your way  
Тел: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.  
HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

**МАДАНИЯТ**

хабарлари

**Немис киноси ҳафталиги**

Утган ҳафта юртимизда немис киноси ҳафталиги бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Гёте институтининг пойтахтимиздаги филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ҳафта давомида Киночилар уйида немис киноусталари томонидан суратга олинган энг сўнгги фильмлар намойиш этилди. Уларнинг аксарияти Европа ва жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли кинофестивалларда совриндор бўлган киноасарлардир. Айниқса, "Айвондаги ёз", "Кроко", "Пинг-понг", "Ғазаб" номли фильмлар немис ёшларининг бугунги ҳаёти, қизиқишлари, кундалик ҳаётдаги муаммолари ёритилгани билан аҳамиятлидир.

Немис киноси ҳафталиги пойтахтимизда иккинчи бор ўтказилди, — дейди "Ўзбекино" Миллий агентлиги Бош директори ўринбосари Жаҳонгир Қосимов. — Кино соҳасига, бу борада юз бераётган янгилликларга қизиқувчи ёшларимиз учун ҳафталик доирасида намойиш этилган фильмларни томоша қилиш фойдадан холи бўлмайди. Негачи, мазкур фильмлар, гарчанд бадий киноасар бўлса-да, ўзига ҳужжатли кино аломатларини намойн қилган. Бундан ташқари, фильмлар ёш немис кинематографлари ижодига дахлдор. Уларнинг янгича, ўзига хос қарашлари бизнинг ёш киноижодкорлар учун эътиборли бўлганлиги аниқ.

Муборак ОХУНОВА,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**Кўчма кутубхоналар**

Нурота шаҳридаги 33 та маҳалла ақли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада авж олдиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада Нурота иқтисодий-иқтисодиёт коллежи қошидаги Аxbорот-ресурс маркази мутахассислари ва маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўчма кутубхонадан самарали фойдаланилмоқда.

Ўтказилаётган тадбирларда ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга, уларни ҳушёрлигу огоҳликка даъват этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**Саҳнада берилган сабоқ**

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театрида Абдулла Қаҳҳор асари асосида саҳналаштирилган «Ажонларим» спектаклининг намойиши илҳосмандлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди.

Шуни алоҳида эътибор этиш керакики, асарни саҳнада истиқлол актёрлар маҳорат билан талқин этилди.

Жамиятдаги айрим иллатларни фож этиш, унга қарши курашишда жамоатчилик муносабатини шакллантириш эса Машраб Бобоевнинг «Кўнгираклар садоси» спектаклида ўз аксини тошган. Унда ёшларни Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш, айниқса, бугунги кунда глобал муаммага айланган гийҳвандлик, терроризм каби иллатлар таъсирини асраш асосий мақсад қилиб олинган.

Абди ҚОДИРОВ.

**Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport**

**Жамғарма ташаббуси**

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти филиали болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамоалар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда мусобақалар ўтказишнинг янги тизimini яратиш ташаббуси билан чиқди.

Энди вилоятда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл түпи турлари бўйича болалар лигаси фаолият кўрсатилган бўлди. Шаҳар ва туманлардаги 20 га яқин болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилар жамоалари иштирок этадиган лига мусобақалари йил буйи давом этади. Болалар лигаси мусобақалари Нўзомида ўқувчи ёшларни катта спортга ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёрлаш, уларнинг маҳоратларини доимий ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бахриддин САТТОРОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ БЕЛЛАШУВИ**

Самарқанд вилоятининг чекка туманлари — Нуробод ва Қўшработда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлигининг 5 йиллигига бағишлаб оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

Унда қишлоқ ёшлари югуриш, арқон тортиш, армрестлинг, аргамчида сакраш, кураш, волейбол, шахмат-шашка бўйича ўзаро беллашдилар.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қиммабаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Абдураул САТТОРОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**ҒОЛИБ ЧАГАЕВГА ҚАРШИ**

Профессионал боксининг ўта оғир вази — WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича чемпионликка даъвогарлик жанги 2008 йил 16 февраль кунини Германияда бўлиб ўтди.

"РИА Новости" хабарида айтилишича, унда мазкур йўналиш бўйича собиқ жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев ва Беларусь боксчиси Сергей Ляхович рингга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксининг ўта оғир вази — WBA йўналиши чемпионлик камарига айна пайтда ҳамюртимиз Руслан Чагаев эгалик қилмоқда. У ушбу камарни жорий йилнинг апрель ойида Николай Валуевдан тортиб олганди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.



**Оқсоқолнинг ҳиммати**

Қирқ йил шофёр бўлиб ишлаган Ҳамро Бобоевнинг пенсияга чиққач, ўзи яшаётган Қўштепа қишлоғи ўнгиридаги қўмтевалликларни текислади. Ер очиб, ариқ тортиди ва тўрт ариқ гектар майдонда тут ўстирди.

**Савоб**

Ҳамро ақанинг тутузорида бегона гийҳ йўқ. Батартиб, Фарзандлари, неваралари бобосининг қаватига қўшилиб меҳнат қилишади.

Ҳамро ака пиллачиларга тут баргини сотмайди. «Шу соҳанинг бир ҳомийсиман. Меҳнатим — пиллачиларга мададим. Қишлоғимиз дарахтларга бурканиб, яшнаб турса, бас, муродимнинг ҳосили шундан», — дейди у.

Олимжон УСАНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

**Газ уағуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчачиглари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаби» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАРИ!**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН ШАҲРИ, НАВОИЙ ШОҲРАҚЧАСИ, 30-ЎЙДА ЖОЙЛАШГАН**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

| Кўчмас мулк номи   | Бошланғич нархи (сўм) | Тавсифи                  | Суд ижрочилари  | Ижро варақаси №   | Сақланаётган манзили               |
|--|-----------------------|--------------------------|---|---|------------------------------------|
| «Олтинқул ёғ» шўбба корхонаси ҳудудида жойлашган 3 тоннали тарози — 1 тўплам, ёғ тозалаш (рафинаторная) ускунаси — 1 тўплам, ёғ қуритиш ускунаси — 1 тўплам, 1 та «LG T717B» русумли компьютер, 1 та «CANON LBP-2900» русумли принтер, 4 та шкаф, 10 та стул, 5 та ғаладонли стол, 1 та компьютер столи, 10 та 25 м² ҳажмдаги сизимлар, 1 та сейф, уруғчилик омбори биноси, мамырий бино, ободонлаштириш мажмуи, устакхона биноси, ишлаб чиқариш цехи биноси, маиший бино, ўсимлик ёғи сақлаш сизимлари, саралаш иншооти, чикинди омбори, қозонхона, электр тармоқлари, муҳандислик тармоқлари | 206 018 152           | Ишга яроқли, соз ҳолатда | Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими | ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақаси | Олтинқул тумани, Оразий ҚФЙ ҳудуди |

Аукцион савдолари 2007 йил 20 декабрь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Ўқоридаги кўрсатиб ўтилган мулклар билан Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2007 йил 14 ноябрдаги 99-сонидан чоп этилган.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8 374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: DB 001 №000004.

**Российский**

**Обои линолеум**

**ВИНИЛОВЫЕ**

тел. 234-48-11

факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

**SUVMASH**

www.suvmash.uz

**«SUVMASH» OAJ — SIZNING HAMKORINGIZ!**

**Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона куйидагиларни тайёрлайди:**

- ЭЦВ 6, 8, 10, 12 русумли, қудуққа мўлжалланган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- К русумли, тагликка ўрнатилган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- Д русумли, икки ёқлама киришли, марказдан қочирма, ётиқ электр насос қурилмалари;
- А50ГО, А40ГЦ, А30ГЦ, СНП 500/10 кўчма насос станциялари;
- барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари;
- металл конструкциялар.

Корхонада, шунингдек, насос қурилмалари ва қуввати 3000 кВт гача бўлган электр двигателлар капитал таъмирланади.

100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Жусупий Бойқаро кўчаси, 13-уй.  
Tel.: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax: (998 71) 295-51-08, e-mail: office@suvmash.uz

**КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ОХК МЧЖ «Belting Rezina»**

полимер материаллар асосида Европа технологияси бўйича турли хил ўлчамдаги

**ТРАНСПОРТЁР ЛЕНТАЛАРИ ВА ЯССИ ТАСМА (ПЛОСКИЙ РЕМЕНЬ)ЛАР**

ишлаб чиқаради ва уларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Мазкур маҳсулотимиз пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат, қоғоз-картон, тўқимачилик саноатида ва босмахоналарда кенг қўлланилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100039, Тошкент ш., О.Зокиров к., 1-уй.  
Телефон: 112-40-24. Факс: 112-27-95. E-mail: Belting@sarkor.uz www.beltingrezina.com

Ўзбекистон Миллий телерадиокоммуникация жамоаси «O'zbekiston» ДУК телерадиоканали «Янги жамият» студияси бош муҳаррирининг ўринбосари Алишер Шоймова отаси **Қиём ШОЙМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Хирургик касалликлар ва ҳарбий дала хирургияси кафедрасининг профессори **Латиф Турсунов**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектр-тармоқ» УК жамоаси «Энерготаш-мир» ОАЖ директори **Шавкат Рашидович ҒОҒУРОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Техника университети жамоаси Нефть ва газ факультети катта ўқитувчиси Мардон Бўронов акаси **Маҳмуд БУРОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мишқаллар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғаев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Навбатчи — Ф. Санаев,  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 22.15 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6